

**Қадимги Бақтриядаги шаҳар маданиятининг ўзига хос
хусусиятлари**

Нишонов Жамшид Тўрақул ўғли

ҚДУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: *Қадимги Бақтриянинг иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ривожланиши бевосита ўзаро иқтисодий-маданий алоқалар ҳамда миграция жараёнлари доирасида кечган. Сўнгги бронза ва илк темир давридан бошлаб Бақтрия аҳолиси сув ўзанлари бўйлаб тарқалиб, кенг ҳудудларни ўзлаштирганлар. Сунъий суғориш иншоотлари бунёд этиб, яшаш учун қулай шароитлар яратганлар. Ўтган асрнинг 70–80- йилларида Бақтриядан мил.авв. I минг йилликнинг биринчи чорагига оид 240 га яқин ёдгорлик аниқланган. Фақат Сурхондарё воҳасидан 80-йилларнинг ўрталарига қадар 36 та ёдгорлик топилган.*

Калим сўзлар: *Бақтрия, деҳқончилик воҳаси, уруғ жамоа, йирик шаҳарлар, археологик ёдгорликлар.*

Abstract: *The economic and political development of ancient Bactria took place within the framework of mutual economic-cultural relations and migration processes. Since the Late Bronze Age and the Early Iron Age, the people of Bactria spread across the watersheds and occupied vast territories. They built artificial irrigation facilities and created comfortable living conditions. In the 70s and 80s of the last century, BC from Bactria. About 240 monuments of the first quarter of the 1st millennium have been identified. Only in the Surkhandarya oasis, 36 monuments were found until the mid-80s.*

Key words: *Bactria, farming oasis, urban community, large cities, archaeological monuments.*

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида олиб борилган археологик тадқиқот ишлари натижасида шимолий Бактрия ҳудуди маданий–хўжалик ҳудудларга ажратиш орқали таҳлил қилинган. Илк темир даври 5 та маданий–хўжалик районларга ажратилиб ўрганилган: Уланбулоқ, Шеробод, Бандихон, Миршоди, Вахшувар ва 4 та маданий–хўжалик ҳудуд кенг ўзлаштирилганлиги аниқлаган. А.С.Сагдуллаев бу даврни Қизил II даври билан боғлаб, 14 та ёдгорликни рўйхатга олган.

Сўнгги йилларда Сурхондарё воҳасида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида шимолий Бактрия ҳудуди илк темир даврида 3 та деҳқончилик воҳасига ажратилган. Бунда деҳқончилик воҳасининг марказий – йирик қалъа атрофида тўпланганлигига эътибор қаратилган. Ш.Шайдуллаев ўз тадқиқот ишида уни куйидагича кўрсатади:

1. Шеробод деҳқончилик воҳаси бўлиб, бу воҳа – Уланбулоқсой, Бўстон, Шерободдарё ҳудудларига тўғри келади. Жондавлаттепа воҳа маркази ҳисобланган. Бу ҳудуддан Кучуктепа, Пшактепа, Талашкантепа I ёдгорликлари аниқланган.

2. Бойсун деҳқончилик воҳаси бўлиб, бу воҳа – Миршоди ва Бандихонсой ҳудудларига тўғри келади. Воҳа маркази Қизилтепа бўлган. Бу воҳа ҳудудларидан ҳам кўплаб ёдгорликлар қайд қилинган.

3. Сурхон деҳқончилик воҳаси бўлиб, бу воҳа Сурхондарёнинг қўйи ва ўрта оқимларидаги ҳудудларни эгаллаган. Унинг маркази Хаитободтепа ҳисобланади. Воҳадан Номсизтепа, Бандихонсойтепа каби ёдгорликлар топилган.

Бактриядаги Кучуктепа, Қизилтепа каби ёдгорликларининг топилмалари Жанубий Туркманистондаги илк темир даврига оид Ёзтепа маданиятига ўхшашлиги аниқланган. XX асрнинг 70–80-йилларида А.Асқаров, Л.И.Альбаум ва Ш.Шайдуллаев томонидан Кучуктепа ривожланишининг 4 босқичи аниқланган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Кучуктепа ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Музрабод туманининг www.tadqiqotlar.uz

жанубида, Амударёдан 10 км. шимолда жойлашган. Ёдгорлик мил.авв. X–VIII асрларда Чуст маданияти типигаги бир уруғ жамоанинг турар–жой маскани сифатида қад кўтарган. Бу қишлоқ кўрғони мил.авв. VI–V асрларгача мавжуд бўлган.

Кучуктепа ёдгорлигининг ривожланиш босқичлари қуйидаги тўртта даврни ўз ичига олган:

1. Кучук I сўнгги бронза даврига оид бўлиб, мил. авв. X–VIII асрларни ўз ичига олади.

2. Кучук II босқичи мил.авв. VIII аср иккинчи ярми–VII асрларга оид бўлиб, унинг археологик комплекси Кучук I моддий маданиятидан тубдан фарқ қилади.

3. Кучук III мил. авв. VII асрнинг охири–VI асрларга оид бўлиб, бу даврда ёдгорликнинг бир хонаси патриархал оиланинг ибодатхонасига айлантирилган.

4. Кучук IV даври мил. авв. VI асрнинг охири–V асрларни ўз ичига олади.

Сурхондарёнинг Олтинсой тумани Янгиариқ қишлоғи яқинида жойлашган Қизилтепа ёдгорлиги 1971 йилдан ўрганила бошланган. Қизилтепа Миршоди микровоҳасининг марказий қалъаси бўлган. Унинг қуйидаги 3та шаҳарсозлик босқичлари аниқланган.

1. Қизил I мил.авв. 1000–700 йй.;

Қизил II даври мил.авв.700–550 йиллар ҳисобланиб, бу давр қалъанинг ривожланган босқичи саналади. Бу босқичда кўплаб турар жой ва хўжалик хоналари қурилган. Улар кичик, тўғритўртбурчак, квадрат ва йўлаксимон тарзда қурилган. Уларнинг катта ҳажмдагиси 17,5 м²ни ташкил қилган. Деворлар пахса ёки тўғрибурчакли (44x27–28x10, 40x28x9–10 см) хом гиштдан қурилган бўлиб, 0,5 дан 1,5 метргача сақланиб қолган. Уйларнинг поллари сомон аралашган лой ёки майда тошлар билан сувалган.

2. Қизил III даври мил.авв. 550–400 йилларни ташкил қилган. Қалъа

Александр Македонский хужумидан кейин вайронага айланган. Мудофаа деворлари нураган, уларнинг ёнлари ахлатхона айлантирилган. Мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида Қизилтепанинг ташландиқ ҳолга келганлигининг сабабини археологлар 2 хил изоҳлашади. Биринчи фикр бўйича, ёдгорлик янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида ташлаб кетилган. Иккинчи фикр бўйича эса, юнон–македонлар хужумидан кейин қайта тикланмаган. Археологик тадқиқотлар ҳам мил.авв. IV асрнинг охирларида, қалъа аркига икки марта хужум бўлганлигини асослайди. Шундан кейин қалъа вайронага айланган.

3. Қадимги Бақтрия мил.авв. VI – IV асрнинг бошларида аҳамонийлар империяси таркибига кирган. Бу даврга оид ёзма манбаларда Бақтриянинг аҳамонийлар империяси таркибига кирганлиги ҳақида маълумот сақланиб қолган бўлса–да, лекин унинг қай тарзда бўйсундирилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Олиб борилган археологик тадқиқот ишлари натижасида илк темир даврида ривожланган қалъалар Қизилтепа, Кучуктепа, Талашкантепа I каби ёдгорликлардан мил.авв. VI асрга оид қатламларидан катта ёнғин излари, қалин кул қатламлари, палахмон тошлари ва ўқ қолдиқлари топилган. Бандихон–II қалъаси мил.авв. VI асрда вайрон қилинганлиги аниқланган. Қалъадан катта ёнғин излари, ёнган донлар ва ёғоч қолдиқлари топилган.

Қадимги Бақтрия давлатининг аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида ривожланган давлатлардан бири бўлганлиги юнон–македонлар хужуми давридаги ёзма манбалардаги маълумотлар ва археологик тадқиқотлар ҳам асослайди.

Арриан Бақтриядаги энг йирик шаҳарлар Аорн ва Бақтра деб кўрсатган. Аорн шаҳри локализацияси бўйича турли фикрлар илгари сурилган бўлсада, Э.В.Ртвеладзе уни Олтиндилёртепа деб кўрсатади.

Ёзма манбаларда Ксениппа, Наутака, Габаза, Паретакена, Бубакена номли мустақил ҳудудий–сиёсий бирлашмалар ҳақида маълумотлар мавжуд. Э.В.Ртвеладзе ҳам уларни мустақил ўлка сифатида эътироф этади. Бу

мустақил ўлкалар бугунги кунда археологларнинг тадқиқотлар жараёнида илгари сурилаётган деҳқончилик воҳаларига тўғри келади. Ксениппа ва Наутака жанубий Суғд ҳудудларига, яъни Қашқадарё вилоятига тўғри келиши аниқланган. Габаза, Паретекана ва Бубакенани таҳлил жараёнида улар шимолий Бактрия ҳудудларига локализация қилинган. Э.В.Ртвеладзе бу ҳудудларнинг ёзма манбалардаги табиий–географик тавсифини археологик манбалар билан таққослаб, чуқур таҳлил қилган. Уларни асослаш учун, ҳудудларга бориб, ҳар бир ҳудуднинг географик тасвирини қиёслаб, шу асосда ёзма манбаларда илгари сурилган ҳудудларнинг локализациясини қайта кўриб чиққан.

Мил.авв. IV асрга оид шимолий Бактрия ҳудудидан 30 га яқин ёдгорликлар аниқланган. Уларнинг аксарияти сув ёқалари, асосан Амударё ҳавзаси ҳудудларида жойлашган. Бактрия ҳудудида порт–шаҳарлар, яъни Амударё кечуви ҳудудида қурилган шаҳарлар муҳим аҳамият касб этган. Амударё ҳавзалари бўйида Кампиртепа, Айритом, Эски Термиз (Тармида), Ойхоним порт–шаҳарлар қурилган. Порт–шаҳарлар халқаро савдо, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Ахамонийлар даврида Амударёдан кечув жойи Шўроб ҳудудида бўлиб, Шўробтепа қалъаси порт–шаҳар вазифасини бажарган. Александр Македонский ва Салавкийлар даврига келиб, Кампиртепа кечув ҳудудидаги асосий қалъага айланган. Кушонлар даврида эса, кечув жойлари сонлари янада кўпайган: Чушка–Гузар, Қора қамар, Келиф ҳудудларида ҳам кечув йўллари бунёд етилган. Кечув ҳудудларининг ҳар иккила қирғоғида ҳам аҳоли яшаган.

Мил.авв. III асрнинг охирлари ва мил.авв. II асрнинг биринчи ярмида қадимги Бактрия ҳудудида Юнон–Бактрия давлати мавжуд бўлган. Юнон–Бактрия давлати ҳукмронлиги даврида Бактрия давлатида эллинизм маданияти янада ривожланган. Шаҳарлар қурилишида, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида юнонларнинг таъсири кучли бўлган. Бу даврда Шимолий Бактрия ҳудудида Кампиртепа, Айритом, жанубий Бактрия ҳудудида

Ойхоним, Дилбаржин, Жигатепа шаҳарларида эллин маданияти излари яққол намоён бўлган.

Кампиртепа ёдгорлиги шимолий Бақтрия ҳудудидаги йирик шаҳарлардан бири бўлиб, мил.авв. IV асрнинг охирилари – милодий II асрнинг ўрталарига оид. Ёдгорлик Амударёнинг ўнг қирғоғида, Сурхондарё вилояти Музрабод туманидаги Шўроб қишлоғидан 0,6 км. ғарбда жойлашган. Ёдгорлик 1972 йилдан буён академик Э.В.Ртвеладзе бошчилигидаги археологик экспедиция томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Шимолий Бақтрия ҳудудидаги яна бир энг йирик шаҳарлардан бири бўлган Термиз – Тармита шаҳри бўлиб, у бугунги кунда Эски Термиз ёдгорлиги ҳисобланади. У Амударё кечувида, маҳаллий ва халқаро савдо йўллари кесишган жойда қурилган. В.Томашек “Термиз” сўзини бақтр тилидан олинган, унинг маъноси “дарёнинг нариги томонидаги манзилгоҳ” деб кўрсатган. Шаҳар ҳозирги Термиз шаҳридан 7 км. шимоли–ғарбда жойлашган. Шаҳар дастлаб Амударёнинг ўнг қирғиғидаги табиий тепалик устига қурилган. Арк тўғритўртбурчак шаклида бўлиб, 10 гектар майдонни эгаллаган.

XX асрнинг иккинчи ярмида тадқиқотчилар Эски Термизни Окс бўйидаги Александрия бўлиши мумкин деган фикрни илгари сурганлар. Лекин кейинги даврларда олиб борилган тадқиқотлар буни тасдиқланмаган.

Шаҳарнинг энг ривожланган даври Юнон–Бақтрия ва Кушонлар ҳукмронлиги даврида бўлган. Мил.авв. III–II асрларда шаҳар “Деметрия”, Кушонлар даврида “Тармида” деб аталган. Кушонлар даврида Фаёзтепа ва Қоратепа будда монастирлари қурилиб, ҳудуднинг йирик буддавийлик дини ва кушонлар салтанатининг сиёсий марказига ҳам айланган.

Бақтриянинг антик даврига оид йирик шаҳарларидан бири Айритом ҳисобланади. У мил.авв. II асрда порт–шаҳри сифатида Амударёнинг ўнг қирғоғида Термиз шаҳридан 18 км шарқда, Амударёнинг кечуви устида қурилган. Шаҳар 1930- йилларда М.Е.Массон бошчилигидаги Термиз археологик экспедицияси, 1960- йилларда Ўзбекистон Санъатшунослик

экспедицияси олимлари томонидан ўрганилган. Порт–шаҳар шимолдан жанубга 3 км. чўзилган бўлиб, 90 гектар худудда жойлашган. Шаҳар уч томонлама мудофаа девори билан мудофааланган. Кушонлар даврида бу ерда йирик будда монастири бунёд этилган. 1933 йилда В.М.Массон будда ҳайкаллари, мусиқачилар ва гулчамбар кўтарган аёлларнинг бўртма тасвири ишлаган кошинни топган. Шаҳар атрофида кулолчилик хумдонлари аниқланган. Милодий III асрнинг иккинчи ярмида Айритом вайрон бўлган, қайта тикланмаган.

Юнон–Бақтрия давлати ҳукмронлиги даврида, мил.авв. III асрнинг иккинчи ярмидан яъни давлат чегаралари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган. Суғддан Бақтрияга кириш мумкин бўлган тоғли худудларда мудофаа қалъалари бунёд қилинган. Айниқса, Евтидем I (мил.авв. 235–200 йй.) даврида қулай тоғ даралари ва тоғлар тизималарининг икки худудни боғлаб турган ўтиш мураккаб бўлган жойларда ҳам мудофаа қалъалари қурилган. Қўрганзол, Узундара, Қопчиғайтепа, Мачайтепа, Қўргонча қишлоқларидаги мудофаа қалъалари Бақтриянинг чегараларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этган. Қўрганзол ва бошқа мудофаа қалъаларини сув билан таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлган. Бу ерга сунъий суғориш асосида сув олиб келинган. Шу сабаб ҳам давлат учун муҳим бўлган даврлардагина бу мудофаа қалъалари фаолият юртган.

Ушбу давлат кўчманчи қабилалар ҳужумидан доимо ўзини ҳимоя қилиб келган бўлса–да, мил.авв. II асрнинг учинчи чорагида, яъни мил.авв.166 йилда юэчжи қабилалари томонидан босиб олинган. Юэчжи қабилаларининг Юнон–Бақтрия давлати худудларини эгаллаши бир томондан Юнон–Бақтрия давлатига барҳам берган бўлса, иккинчи томондан Бақтрия худудида ўзига хос, янги цивилизация тараққиётига асос солган. Бу даврдан Кушонлар давлати шаклланиб, дунё миқёсидаги йирик империяга айланган. Бақтриянинг ижтимоий турмуш тарзига буддизм дини кириб келиб, ўзига хос ўзгаришлар ва маданий тараққиёт жараёнларини бошдан кечирган.

Кушонлар давлати милодий I асрда Канишка ҳукмронлиги даврида

Ўзининг энг ривожланган даврини бошдан кечирган. Бу даврда янги ҳудудлар ўзлаштирилиб, қалъа ва янги тур бинолар қурилган. Бойсун деҳқончилик воҳаси ва унинг шимолий томонлари яна қайтадан ўзлаштирилган. Шу даврдан бошлаб Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб ҳаёт яна қайтадан жонланган. Давлат чегараларига алоҳида аҳамият қаратилган. Паёнқўрғон қайта тикланиб, янги мудофаа қалъаси Кофрун қишлоғида Мунчоқтепа қурилган. Мунчоқтепа Темир дарвозага борадиган жануби–шарқий йўлни ҳимоя қилиш учун қурилган. Шу даврдан кейин Қўрганзол қалъасига эҳтиёж қолмай, Бойсун ҳудудидаги Паёнқўрғонга эътибор қаратилган. Кушонлар даврида Кофир қалъа Шерободдарё воҳасини ҳимояловчи қалъа бўлган. Кушонлар давлатининг шимол томонини Дарбанд қалъаси ҳимоялаган.

Кушонлар даврида жанубий Ўзбекистон ҳудудида Далварзинтепа, эски Термиз, Зартепа, Холчаён, Айритом, Тожикистон ҳудудида Қайқубодшоҳ, Кўҳнақалъа, Саксонохур, Афғонистон ҳудудида Ойхоним, Бақтра, Сурх–Кўхтал каби йирик шаҳарлар ривожланган. Будда дини давлат дини сифатида қабул қилинган бўлса–да, мамлакатда зардуштийлик, индуизм, юнонлар, эронликлар ва мисрликларнинг динлари билан алоқадор излар учрайди.

Далварзинтепа шимолий Бақтрия ҳудудида илк Кушонлар даврига оид энг йирик шаҳар харобасидир. Ёдгорлик Сурхондарё вилоятининг Шўрчи шаҳридан 10 км. шимоли–шарқда жойлашган. Шаҳар 36 гектар майдони эгаллаган. Далварзинтепадан задогонларнинг уйлари, ҳунармандлар маҳалласи, мил.авв. I асрга оид шаҳар ташқарисида будда ибодатхонаси, шаҳар марказида милодий II–III асрларга оид будда ибодатхонаси мажмуаси, шаҳарнинг шимоли – ғарбий қисмида Бақтрия худосига бағишланган ибодатхона излари топилган. Бу ибодатхонада рухонийлар ва чақалоқлар акс этган ажойиб деворий сурат топилган. 1972 йилда 20 хонадан иборат уй ичидан олтин буюмлар хазинаси топилган. Г.А.Пугаченкова Далварзинтепани кушонларнинг илк пойтахт шаҳри бўлган деб кўрсатади. Хитой йилномаларида у Ходзо деб аталган.

Кушонлар давридаги шахарсозлик маданияти Зартепа ёдгорлиги мисолида тадқиқ қилинган. Зартепа Термиздан 26 км. шимоли–ғарбда жойлашган. Зартепа мил.авв. II–I асрлардан милодий III–V асрларгача мавжуд бўлган. Шаҳар квадрат шаклда 400x400 м қурилган. Шаҳарнинг шимоли–ғарбий томонида тарҳи квадрат бўлган арк жойлашган. Арк 14 м. баландликдаги тепалик устида қурилган ва жарлик билан ўралган. Шаҳар ичида будда ибодатхонаси, йирик бинолар, аҳоли турар жойлари аниқланган. Зартепага яқин жойда Куёвқўрғон будда ибодатхонаси жойлашган.

Зартепада тадқиқот ишлари 1974 йилда бошлаган. Саккизта қурилиш қатлами аниқланган. Энг қуйи қатламида ертўла бўлиб, бу ерда Зартепани қурган усталар ва қурувчилар истеъкомат қилганлар. Бундай ҳолат Далварзинтепада ҳам кузатилган.

Кушонлар даврининг яна бир йирик шаҳри Холчаён мил.авв. IV–III – милодий VII асрларда фаолият кўрсатган. Ёдгорлик Сурхондарё вилояти Денов шаҳридан шимоли–шарқда жойлашган. У ердан милодий I асрларга оид сарой (35x26) биноси топилган. Саройдаги деворий суратлар ва ҳайкалларда эллин, гандхара, кушонлар маданияти уйғунлашуви кузатилади. Холчаён кушонлар даврининг йирик шаҳарларидан бири бўлган.

Кушонлар даврида, яъни милодий I асрларда шимолий Бактрияда Будрач, Мунчоктепа, Ҳайрабод–тепа, Шаҳри Гулгул, Кофирқалъа каби шаҳарларга асос солинган. Будрач Денов шаҳридан 6 км. жануби–шарқда жойлашган. Ҳайрабод–тепа эса, Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида Термизда 30 км. шимолда жойлашган. Шаҳар тўғритўртбурчак (150x100) шаклида қурилган бўлиб, атрофи муҳофаа девор ва ҳандак билан ҳимояланган. Жануби–шарқий қисмида арк жойлашган. Шаҳар 8 метр қалинликдаги девор билан икки қисмга ажратилган. Шаҳри Гулгул Жануби Сурхон сув омборининг ғарбий қирғоғида жойлашган. Унинг катта қисмини сув ювиб кетган. У ердан кушонлар даврига оид сопол буюмлар ва рим маскарон (қизиқчиси)ининг мармардан ишланган маскиси топилган.

Кушонлар ҳукмронлиги даврида Бактрияда буддавийлик давлат дини

деб эълон қилинган, мамлакат бўйлаб будда динига оид иншоотларнинг қурилиши авж олиб кетади. Будда динига оид асосан 3 хил иншоот бунёд этилган: вихара (монастирь), чайтъя (зиёратгоҳ, ибодатхона) ва ступа. Бақтрияда монастирлар ер устида, ер остида, табиий ва сунъий ғорларда, икки қаватли, яъни ер ости ва устида бунёд этилган. Будда дини билан боғлиқ иншоотлар мажмуа ҳолда, яъни монастир, ибодатхона ва ступалар билан биргаликда бунёд этилган. Шунингдек, йирик шаҳарлар ичида, атрофларида ва магистрал йўл бўйларида монастр, ибодатхона ва ступаларни кўплаб учратиш мумкин.

Шимолий Бақтрияда буддавийлик диний мажмуалари – Қоратепа ва Фаёзтепа тадқиқ қилинган. Қоратепа ёдгорлиги Эски Термиз ёдгорлиги ҳудудида жойлашган. У милодий II–IV асрларга оид. Бу ерда тўққиздан ортиқ иншоотлар мажмуаси очиб ўрганилган. Ҳар бир бундай иншоот йўлак – айвонлар ўраб турган тўғри тўртбурчакли катта ҳовли ва ер остига қурилган иншоотлардан иборат. Хоналардан Будда ҳайкали, буддавийликга хос иншоот–ступалар топилган. Барча ступалар бир хил қурилган. Уларнинг асоси тўртбурчак бўлиб, унинг устига цилиндрсимон иншоот қурилган, унинг усти гумбазсимон тарзда бўлган. Устига ёғоч ёки тошдан ясалган лангар ўрнатилган. Лангарда тошдан ясалган бир неча соябон бўлган. Соябонлар муқаддас дарахт рамзи бўлиб, буддистлар уни чатра деб аташади. Шу дарахт сояси остида Будда ўзининг ғояларини ишлаб чиққан. Қоратепанинг ер остида қурилган иншооти билан ер устига қурилган иншоот бир бири билан боғлиқ бўлган. Улар зиналар орқали бирлаштирилган.

Қоратепа ибодатхонасининг деворларига диний мазмундаги расмлар ва ибодатхонани қурилишда ҳомийлик қилган инсонларнинг суратлари солинган. Расмлар катта маҳорат билан чизилган ва ўша замоннинг диний мафкурасини ўзида акс эттиради. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қоратепанинг шимолий қисмидан маҳобатли ступа топилди.

Фаёзтепа ибодатхонаси мил.авв I – милодий III оид бўлиб, Қоратепа ибодатхонасидан 2–3 км шимоли–шарқда жойлашган. Фаёзтепа вихара типига ибодатхона эканлиги исботланган. У уч қисмдан иборат бўлиб, ҳар бирида ҳовли

бўлган, уларнинг атрофида уйлар жойлашган. Ибодатхонанинг марказий қисмида диний маросимлар ўтказилган. Иккинчиси қисми монастир, учинчиси эса хўжалик ишларига мўлжалланган иншоотлар бўлган. Марказий қисмда яхши сақланган ступа топилган. Марказий қисмнинг айвонидан лой ва ганчдан ясалган Будда, унинг сафдошлари–бадхисатваларнинг ҳайкаллари топилган. Улар қизил ранг ва тилла суви билан безатилган. Деворларга диний маросим расмлари тасвирланган. Оқ мрамор ва алебастрдан ишланган ҳайкаллар ҳам топилган. 1972 йилда бу ердан оқ мрамортошдан ясалган муқаддас Бадхи дарахти тагида ўтирган Будда ва тик турган икки рухоний ҳайкали топилган.

Қоратепа, Фаёзтепа ибодатхоналари қурилиши, расмлари ўз хусусиятларига кўра, Хиндистондаги ибодатхоналар, расмлардан фарқ қилган ҳолда, Шарқий Туркистон, Узоқ Шарқдаги ибодатхона ва расмларга анча яқин туради. Шунинг учун ҳам буддавийлик Ўрта Осиёдан мазкур ҳудудларга тарқалган, деган хулосага келинган.

Хуллас, Қадимги Бактрия мил.авв. VIII асрдан то милодий IV асргача бўлган давр ичида ўзига хос урбанистик жараёни бошдан кечирган. Халқаро миқёсда содир бўлган воқеалар қадимий давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишига ўз таъсирини ўтказган. Бунда албатта қадимий савдо йўллари – Буюк ипак йўли ва унинг тармоқларидан бири бўлган лазурит йўлининг таъсири катта бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – С.3.

2.Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б. 269; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши (Бактрия мисолида). т.ф.д. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Самарқанд, 2009. – Б.30; Широнов Т., Шайдуллаев Ш. Бактрия минг шаҳарли мамлакат. – Б.//“Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар”. –Ташкент: 2001. – Б.10.

3.Egamberdieva N. Arxeologiya.–B.112.

4. Массон В.М. Кушанские поселения и кушанская археология. – С. 3.
5. Пидаев Ш.Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. – Ташкент: Фан, 1978.
6. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. – С. 267.
7. Будданинг муқаддас буюмлари ёки Будданинг ҳаёти ёки қандайдир тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлган жойларда бунёд этилаган ўзига хос диний иншоот.
8. Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – С. 120.
9. Пугаченкова Г.А. Халчаян. – Ташкент: Фан, 1966. – С. 248; Далварзинтепа шахристони. – Б.185.
10. Квинт Курций Руф, VIII, 4,1, 5,2; Арриан IV,18,4-22,2.